

4. Хизмат учун ҳақ тўлаш миқдори ва тартиби

- 4.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси Ҳўрт шилшон беш юз
(шнн 2 сўм,) сўмни ташкил этади. (ҚҚСсиз)
- 4.2. Буюртмачи шартнома қийматининг олдиндан 30% тўловини шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк иш куни мобайнида, қолган 70% миқдоридаги тўловини Бажарилган ишлар далолатномаси имзолангандан сўнг 3 (уч) банк иш куни ичида амалга оширади.
- 4.3. Буюртмачи томонидан шартнома нархини тўлаш ушбу шартномада кўрсатилган Марказнинг ҳисоб рақамига маблағ ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

5. Низоларни ҳал этиш тартиби

- 5.1. Тарафлар ўртасида юзага келган келишмовчилик ва низолар музокаралар орқали ҳал этилади.
- 5.2. Тарафлар музокаралар орқали ўзаро мақбул ечимни топа олмаган тақдирда, Тарафлар низони ҳал қилиш учун Тошкент туманлараро иктисодий судига мурожаат қилишади.

6. Шартнома бўйича жавобгарлик

- 6.1. Тарафлар ўртасида шартнома имзоланганидан сўнг, шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун, Буюртмачи Марказга шартноманинг умумий суммасининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида жарима тўлайди, агарда Марказ томонидан мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаса шартноманинг умумий суммасидан 25 (йигирма беш) фоизи миқдорида жарима тўлайди.

7. Форс-мажор

- 7.1. Тарафлар ўзларининг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари ёки ижтимоий-иқтисодий ҳолатлар сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлар оқибатида шартнома шартларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигини исботлаб берган тақдирда, Тарафлар мазкур шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод этилади.
- 7.2. Ушбу Шартноманинг 7.1-бандида кўрсатилган ҳар қандай ҳолатларга ишора қилувчи Тараф зудлик билан, лекин енгиб бўлмас кучлар ҳолати юзага келган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кечиктирмай бошқа Тарафни ушбу ҳолатларнинг бошланиши ва тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилиши шарт.
- 7.3. Агар форс-мажор ҳолатларига дуч келган ва бошқа Тарафни 7.2-бандида кўрсатилган тартиб ва муддатда ушбу ҳолат тўғрисида хабардор қилмаган ёки огоҳлантирмаган тараф ушбу Шартноманинг мажбурияти бузилганлиги учун жавобгарликдан озод қилинмайди.

8. Шартнома муддати ва уни бекор қилиш тартиби

- 8.1. Шартнома имзоланган кундан кучга қиради ва 31.12.2022 йилга қадар амалда бўлади.

9. Бошқа шартлар

- 9.1. Тарафлар ушбу шартномани тузиш ва ижро этиш учун зарур ҳуқуқ лаёқати, шунингдек, барча ҳуқуқ ва ваколатларга эга эканлигини кафолатлайди.
- 9.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилган ва бир хил юридик кучга эга.

10. Тарафларнинг реквизитлари

"БУЮРТМАЧИ"

"МАРКАЗ"

TOSHKENT DAVLAT STOMATOLOGIYA INSTITUTI
Toshkent sh., Yashnobod tum., Mavtumquli ko'ch., 103
Sh.x.v.: 400810860262807094100054001
INN: 303 033 866 MFO: 00014 OKONX: 92110 OKED: 85420
Moliya Vazirligi G'aznachiligi
X/r: 2340 2000 3001 0000 1010
INN: 201 122 919 JKMKI MARKAZIY BANK BOSH BOSHQARMASI

Манзил:

Индекс:

Тел.:

Хр:

МФО:

Банк:

ИНН:

ОКЭД:

Ректор

Директор

Б. Унгбоева

Р. Юсупов

Н. К. Хайдаров
Бошқисибди